



YOSHILAR OVOZI

2018-YIL 10-FEVRAL,
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

17
(16174)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

IFTIXOR

ПРЕЗИДЕНТ ВАЪДАСИДА ТУРДИ



Шавкат Мирзиёев 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан

учрашган эди. Ушанда Урганч шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат

мукофоти соҳиби Озода Исмоилова юртимиз сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Германияда

таълим олиб, тажриба ўрганиш истагини билдирган.

Президентимиз бу борада амалий ёрдам беришни ваъда қилган.

Ва ниҳоят, орзу ушалди — Озода олмон юртига жўнаб кетди.

— Ишни европаликларга кўхна Хивамизни таништиришдан бошладим, — дейди жонкуяр тенгдошимиз — Шу ниятда махсус тақдимот тайёрлаб боргандим. Болаликдан немис тилини ўрганганим боис, мулоқот жараёнида сира қийналмадим. Ўқитувчи ва курсдошларимга Хоразм

таълим олиб, тажриба ўрганиш истагини билдирган.

Президентимиз бу борада амалий ёрдам беришни ваъда қилган.

Ва ниҳоят, орзу ушалди — Озода олмон юртига жўнаб кетди.

— Ишни европаликларга кўхна Хивамизни таништиришдан бошладим, — дейди жонкуяр тенгдошимиз — Шу ниятда махсус тақдимот тайёрлаб боргандим. Болаликдан немис тилини ўрганганим боис, мулоқот жараёнида сира қийналмадим. Ўқитувчи ва курсдошларимга Хоразм

таълим олиб, тажриба ўрганиш истагини билдирган.

Президентимиз бу борада амалий ёрдам беришни ваъда қилган.

Ва ниҳоят, орзу ушалди — Озода олмон юртига жўнаб кетди.

— Ишни европаликларга кўхна Хивамизни таништиришдан бошладим, — дейди жонкуяр тенгдошимиз — Шу ниятда махсус тақдимот тайёрлаб боргандим. Болаликдан немис тилини ўрганганим боис, мулоқот жараёнида сира қийналмадим. Ўқитувчи ва курсдошларимга Хоразм

Равшана КУРЯЗОВА

ESHITDINGIZMI?

ҚИШКИ ОЛИМПИАДАГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида XXIII қишки Олимпия ўйинлари очилди. Тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақасида дунёнинг 90 дан зиёд давлатидан 3 минг нафардан зиёд спортчи 15 та спорт тури бўйича баҳс олиб боради. Мамлакатимиз шарафини Миша Ге (фигуралӣ учиш) ҳамда Комилжон Тўхтаев (тоғ чангиси) ҳимоя қилади.

ТАЛАБАЛАРИМИЗ ВАШИНГТОНДА БЕМАШАДИ

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети вакиллари АҚШ пойтахтида бўлиб ўтаётган Филип Жессоп номидаги Халқаро ҳуқуқшунослар мусобақасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.



Бундай имкониятни қўлга киритиш учун ТХВУдан ташқари юртимиздаги яна иккита олий таълим муассасаси — Тошкент давлат юридик ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари ўзаро

кураш олиб борган. Эслатиб ўтагимиз, мазкур нуфузли беллашув Халқаро ҳуқуқшунослар ассоциацияси томонидан БМТ Халқаро адлия суди ҳузуридаги суд жараёни моделига асосланган ҳолда

ўтказиб келинмоқда. Унда ҳар йили юзга яқин давлатдан 650 дан зиёд жамоа иштирок этади. Мақсад талаба-ёшларга халқаро ҳуқуқни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш имконини яратишдан иборат.

Равшана КУРЯЗОВА

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

ИШСИСЗЛАР БИЛАН ИШЛАЙМИЗ

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси Тошкент вилоятидаги йигит-қизларнинг ишсизлик муаммосига бағишланди. Очiq мулоқотда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул

мутасаддилар қатнашди. Йигилганларга ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

— Ишсизликдан одам тушкунликка тушиб, ноҳўя ҳаракат содир этиши мумкин, — дейди Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Исмаилов Иброҳимов. — Афсуски, жиноятга қўл ураётганлар ҳам учрамоқда.

— дейди ВИЛОЯТ ёшлар етакчиси Дониёр Каримов



шартномалар номига тузилмаса ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олди, албатта, олинади.

Сессия давомида Бука туманидан хорижда ишлашга кетган ёшлар тақдирини муҳофама қилинди. Таълим муассасалари кутубхоналарининг бадиий адабиётлар билан таъминланиши даражаси борасида танқидий фикрлар билдирилди. Шундан сўнг



иштирокчилар ўзини қийнаётган савол ва масалалар юзасидан мутахассисларга юзланди. Хусусан, паркентлик Дониёр Сиддиқов хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш истаги борлигини айтиб, йўл-йўриқ курсатилиши сўради. Бунга

жавобан Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси Дониёр Каримов банкдан имтиёзли кредит олишда кўмаклашишини маълум қилди. Қолган ёшлар ҳам ўз муаммоларига ечим топди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА



Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг бандликка кўмаклашиш соҳасидаги фаолияти самарали йўлга қўйилса, коллеж битирувчилари билан тўрт томонлама

YUKSALISH

70 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ

“Сардорлар мактаби”ни тамомлади



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги “Сардорлар мактаби”нинг биринчи мавсуми битирувчиларига дипломлар топширилди.

Ўғил-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур мактабга уч юз нафардан зиёд номзоддан 120 нафари қабул қилинган эди.

Тингловчилар уч ойлик дастур доирасида етакчилик маҳоратини тоблаб, ҳуқуқий билимини оширди.

Шунингдек, уларга фуқаролик жамияти ва демократик давлатни ривожлантириш жараёнида ёшларнинг муносиб иштирокини таъминлаш, муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича зарур маълумотлар берилди.

Тақдирлаш маросимида “Сардорлар мактаби”да таҳсил олиб, имтиҳондан муваффақиятли ўтган 70 нафар йигит-қизга оқ йўл берилди.

Ш. АБДУЖАМИЛОВА

РОССИЯ ЁШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ




12—18 февраль кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон — Россия ёшларининг иккинчи форуми ўтказилади. Бу сафарги анжуман учун “Тажриба, тараққиёт, келажак сари!” шiori танланган. Форум давомида иштирокчилар

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси билан учрашиб, Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Халқаро бизнес ва технологиялар

ассоциацияси, Ёшлар ижод саройи, Тошкент шаҳридаги Турин политехника ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетларига ташриф буюради. Шунингдек, меҳмонлар ёш дизайнерларнинг либослар тўплами намоиши ва Ёшлар симфоник оркестрининг концерт дастуридан баҳраманд бўлиши мумкин. Яқунда Самарқанд ва Бухорога саёҳат уюштириш кўзда тутилган.

САМАРҚАНД ВАЛЕНСИЯ БИЛАН БИРОДАРЛАШАДИ



Бу ҳақдаги келишувга Самарқанд шаҳри ҳокими Фуқат Раҳимовнинг Валенсияга ташрифи чоғида эришилди. Кўхна шаҳар Испаниянинг автоном

ҳудуди ҳамда энг машҳур туристик марказларидан бири ҳисобланади. Аҳолисининг 15 фоизи айнан шу секторда банд. Самарқанд ҳамда Валенсия ўртасидаги

биродарлашув алоқаларини ўрнатишга доир махсус протоколни жорий йилнинг биринчи ярмида имзолаш режалаштирилган.

Ўз ахборотимиз.

» TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI

KŪZIDAĞI KUVONCH BARIÐAN USTUN

Отаҳон АЛЛАБЕРГАНОВ

Урган шахридаги Ёшлар марказида жисмоний имконияти чекланган болаларга хизмат кўрсатувчи Инклюзив таълим маркази ташкил этилгани ҳақида ёзгандик. Мана энди, мазкур тузилманинг илк бўлинимаси Хонқа туманида иш бошлади.


Янги муассаса 38-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатмоқда. Мактаб ўқувчилари, шу жумладан, сардорлар бу ерга келувчи ўғил-қизлар билан ишлашда педагогларга яқиндан кўмаклашмоқда. Улар болалар билан бирга дарс тайёрлаб, эркин ҳаракатланишига ёрдам берувчи турли ўйин ва машғулотлар ўтказилади. Ҳар пайшанба кунни имконияти чекланган ёшлар ҳолидан хабар олиш

мақсадида марказга психологлар, шифокорлар, фан ўқитувчилари ва бошқа соҳа вакиллари ташриф буюради. Яқинда Инклюзив таълим маркази аъзолари мактабдаги шахмат ва шашка, журналистика, психология, "Ёш китобхон" тўғрисидаги маълумотларни бирга билимлар синови, журналистикадан маҳорат



сабоқлари, шахмат-шашка мусобақаси, мутулаа

соатлари ҳам жой олган. — Хонқада Инклюзив



таълим маркази филиалининг очилгани жуда қатта иш бўлди, — дейди Иттифоқ қошидаги Ёшларга психологик ёрдам кўрсатиш маркази раҳбари

Машҳура Бекчанова. — Бу бошлиниши, холос. Келгусида ана шундай тузилмалар ҳар бир туман ва шаҳарда пайдо бўлишига ишонамиз

Болаларнинг кўзидаги кувонч, ўзидан қониқиш ҳиссини туйиши ҳамма нарсадан муҳим. Ахир, ногиронлик бу қоракўзлар кўнглини яримта қилиб

қўйган. Ўйин ва машғулотлар пайтида эса, улар жисмонан соғлом болаларга қўшилиб, тетиклашди, кайфияти кўтарилади.

» HOKIM VA YOSHLAR

ЕЧИМСИЗ МУАММО ЙЎҚ
кўп нарса ўзимизга боғлиқ

Малик СИНДОРОВ

Ёшлар муаммоларини ўрганиш, бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ва фермерликка жалб этиш мақсадига Паёриқ тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Ҳоким Ва ёшлар" учрашуви ташкил қилинди.



Тадбирда туман ҳокимлиги мутасаддилари уюшмаган қатлам вакиллари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан беvosита мулоқот

ўтказди. Лойиҳага юз нафардан зиёд йигит-қиз жалб этилди. Даставвал ёшлар томонидан бошқарилаётган маҳаллий тадбиркорлик

субъектлари — "Танаис шарбати" ҳамда "Агро маркет" корхоналари ҳамда ёш ҳунарманд Ғолиб Султонов ўз маҳсулотларини намойиш этди. Аиниқса, Паёриқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси Самандар Боймуродовнинг инновацион технологияси кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Учрашув давомида йигит-қизлар ўзларини қўйиётган муаммолар ҳақида рўй-рост гапириб, саволларига атрофлича жавоб олди.

» TA'LIM TARAQQIYOTI

УНИВЕРСИТЕТДАН
АМАЛИЁТГА

Рохатой ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳридаги Инха университетининг 99 нафар юқори курс талабаси юртимиз ёндоқ компанияларига амалиёт ўтатмоқда. Аввалроқ улар Корея Республикасига тахсил олиб қайтган.

Энди булғуси IT мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, шунингдек, Мирзо Улугбек инновация марказининг резидентлари: "Datasite.uz", "Fido-bizness", "Galaxy System", "Venkon Group", "Nowmedia Technologies", "Social Web Solutions" ва "Technologies of Business Processes Navoi" каби компанияларда иш ўрганиш имконига эга. Бундан ташқари,

"Ўзбектелеком", "OKS Technologies, Skyline", "Turon Telecom", "SOS Group", "East Telecom", "Super Dispatch", "Artel"дек янги тадбиркорлик субъектлари ҳамда тижорат банклари ҳам Инха амалиётчиларини қабул қилиш истагини билдирган. Яна бир неча нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтига жўнатилди. — Корхона ва

ташкilotлардаги амалиёт биз тарбиялаётган кадрларнинг ўзи устидан янада кўпроқ ишлаб, билим ва кўникмасини реал шароитда тоблашига ёрдам беради, — дея таъкидлади Тошкент шаҳридаги Инха университетининг ректори Сарвар Бобоҳўжаев. — Барча ҳамкорларга ўз миннатдорлигини билдираман. Ишонаманки, ўзaro баҳамжихатлигимиз юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг янада ривожланишига туртки беради.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



"SHIZUOKA SHIMBUN"

имкониятларимизни ёрқин

Японияда нашр этилаётган "Shizuoka Shimbun" газетасида ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ҳамда республикада спорт соҳасининг тараққиётини қаламга олди.

Мақола муаллифи Шоджи Хагивари Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг асосий марказларидан бири эканини таъкидлайди. "Ўлка ажойиб табиатга эга. Бу ерда турли миллат ва элатлар вакиллари тинчлик ва ўзарo ҳамжихатликда яшаб келмоқда. Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги, шаҳарларнинг озодалигини қайд этмасликнинг сира иложи йўқ. Бозорлари зирavor ва маҳсулотларга тўла, харид пайтида ҳатто савдолашиш

мумкин", — деб ёзди журналист. Муаллиф Самарқандга саёхатини ҳам батафсил ёритган. У Тошкентдан кўна шаҳарга "Афросиёб" тезюрар поездидан икки соатда етиб борганини айтиб, "Шарқ гавҳари"нинг тарихига доир қизиқарли маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Қолаверса, мақолада Амир Темур мақбараси, шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги бир қатор тарихий ёдгорликлар тилга олинган.

» TASHABBUS

ОФИР ДАМДА ЕЛКА ТУТИБ...

Дилноза АБДУҲАМИДОВА
Сожида САПАЕВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Кармана тумани кенгаши эзгу ишга қўл урди.



"Пахтаобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ун яшар Асилбек Каримов

бўйрагини шамоллатиб, анчадан буён хастаҳол бўлиб юрганди. Бир неча бор тиббий кўрикдан

ўтган. Бироқ оилавий шароити оғирлиги боис, вақтида даволана олмади. Охир-оқибат, касаллик зўр келиб, навраста ўқишга боролмай қолди. Бундан хабар топган Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши ходимлари уни туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимига жойлаштирди. Барча текширувлар ҳамда даволаш муолажалари бепул амалга оширилди. Ҳозир беморнинг аҳволи яхшиланган.

Навбахор енгил саноат касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Мафтуна Абуллаева тижорат банкдан кредит олиб, ўз томоқсидан иссиқхона ташкил этди. Бу қизнинг тадбиркор бўлишига Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Мансур Маҳмудов сабабчи бўлди. Туман кенгаши эса, амалий ёрдам кўрсатди. Мирзо Улугбек маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мафтуна ҳозир икки нафар тенгдошини ҳам иш билан таъминлаган. Яна бир хайрли ташаббус 37-ихтисослаштирилган мактаб-интернати етакчиси Юлдуз Қурбоновага тегишли. Унинг тавсияномасига кўра, қишлоқ хўжалиги коллежини тамомлаб, уч йил ишсиз юрган Аъзам Холиқов мактаб-интернатига мавсумий печё ёқувчи сифатида ишга қабул қилинди.

HEMIS INTERNET NAHRLARI
муносабат билгирди

Германиянинг "Pressaktuell.de", "News for Press.com" ҳамда "OpenPR" ахборот порталлари Ўзбекистон Кейптаун конвенцияси ва унинг Авиация усқуналари бўйича протоколига қўшигани хусусида ёзди.

Қайд этиш керак, ҳар икки ҳужжат ҳаво кемалари, авиация двигателлари, вертолётларни кредит ёки лизингга берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган. Уларнинг ратификация қилиниши юртимиз халқaro ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида тарихга кирди. Ҳозирги пайтда дунёнинг 73 мамлақати, жумладан, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Туркия, Швейцария, Россия, Қозғоғистон,

Тожикистон Кейптаун конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади. Мақолаларда айтилишича, бундан буён авиация техникаси ва усқуналарини харид қилиш юзасидан Ўзбекистон шартномалари халқaro регистрда қайд этилади. Бу, ўз навбатида, лизинг ва кредит операцияларини бажариш жараёнида хавф-хатарнинг олдини олишга ёрдам беради.

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

» SHUKRONA

ЎЗГА ЮРТДА ЯШАСАК-ДА, ЎЗБЕКМИЗ!

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ўзбек ва афғонлар дини бир, урф-одатлари, қадриятлари жуда ўхшаш халқлардир. Айни вақтда Афғонистонда 8 миллиондан зиёд миллатдошимиз истиқомат қилади. Бундай ҳолат бошқа биронта ҳам давлатда кузатилган эмас.

Афғонистондаги ўзбеклар миллий менталитети — тили ва маданиятини сақлаб қолишни истайди, албатта. Айниқса, бугунги авлод вакиллари учун ўзбек тилини ўрганиш долзарб аҳамият касб этган.

Президентимиз 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси, МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак,

барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқларида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги замонавий муносабатлар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилганини



таъкидлангани.

Яқинда Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг иш бошлагани аш шундай истакнинг амалий ифодаси бўлди,

десақ адашмаймиз Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурнда ташкил этилган. Унга салкам юз нафар тенгдошимиз ўзбек тили ва

адабиёти йўналишида икки йиллик муддатга ўқишга қабул қилинди. Биз айримларини суҳбатга тортиб, таассуротлари билан қизиқдик.

— Ҳар бир инсон она

тилини кўз қорачиғидек асраб-авайлаши зарур, — дейди Сўҳроб Бисмилло. — Ота-боболаримиз "Тилини билмаган элини билмас", деб бежиз айтмаган. 2004 йилда Афғонистонда ўзбек тилига расмий тил мақоми берилди. Шундан кейин республикамизнинг шимолий вилоятларидаги олийгоҳларда ўзбек тили ва адабиёти бўлимлари, ўзбек тилида таълим берувчи мактаблар очилди, теле ва радио каналлар, матбуот нашрлари ташкил қилинди.

Бироқ мамлакатимиздаги нотинчлик сабаб ушбу муассасалар узоқ вақт фаолият юритолмади. Мана энди, она тилимиз йўқолиш хавфи остида қолган. Вазият шу даражадаки, ҳозир афғон мутахассислари ўзбек тилидаги адабиётларни араб имло-сига ўгириб мутолаа

қилмоқда. Очиги, бундан ташвишдаман. Чунки афғон юртида яшасак-да, ўзбекимиз. Она тилимизни унутишга ҳаққимиз йўқ! Энди бизга Ўзбекистонда мукаммал таълим олиш имкони яратилди. Бошланган хайрли иш бардавом бўлишини, икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамла-нишини истайман.

— 2017 йил 22 январь — боболарим киндик қони тўкилган юрт — Ўзбекистонга қадам қўйган кун умрбод ёдимда қолади, — дея тўққинлаб гапирди Асила Нойибзода. — Бизни куй-қўшиқ ва гулдасталар билан кўтиб олган йигит-қизларнинг самимий муносабатидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Тўғриси, бундай хурмат-эҳтиромни сира кутмаганим.

Авалло Термиз шаҳри билан танишдик. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдик. Халқимиз меҳмондўст эмасми, қўшни юртдан миллатдошларимиз келибди, деб чиройли дастурхон ёзди.

Таълим марказини кўриб ҳайратдан лол қолдим. Ахир, бундай шароит орзуимиз эди-ку! Кўп қаватли муҳташам ўқув биноси, 110 ўринга мўлжалланган талабаржой, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва май-дончалари, ошхона — барчаси биз учун муҳайё этилган. Марказда кимё ва физика лаборатория хоналари, лингафон хоналари, маиший савдо ва бошқа хизматлар кўрсатилган шохобчалар ҳам мавжуд.

Хоналар билан бирма-бир танишар эканман, ўзимни худди ширин туш кўраётгандай ҳис қилдим. Биз ҳаққимизда шунчалик қайғурган Ўзбекистон ҳукумати, Президент Шавкат Мирзиёевга мингдан-минг раҳмат! Келажакда яхши билим олиб, қўритувчи бўлишни ниёз қилдим. Икки йилдан кейин Афғонистонга тайёр мутахассис сифатида қайтганимда, укасингиларимга ўзбек тилини пухта ўргатаман.

» MULOHAZA UCHUN MAVZU

ЭСЛАШГИНА ЭМАС,
АНГЛАШ ҲАМ КЕРАК

Санилолим АБДУРАҲМОНОВ

Шарқ шеърлати — инсоният бағдий тараққури эришган юксак чўкқи. Унинг Жалолуддин Румий, Атоий, Саққоий, Хоразмий, Ҳориз Шерозий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бедил каби ўнлаб даҳо Вақимари бор. Бу ижодкорларга хос руҳий теранлик, дард инсон қалбига сарвқулогга чуқур кириб, унинг қайғу-ҳасратларини жонли оҳангларга акс эттириш санъати ҳамма Вақт ибрат намунаси бўлиб келган.

Юқорида саналган ҳар бир шоиримиз, шаксиз, дунё шеърлатининг энг кучли намояндалари билан беллашишга қодир. Лекин ҳазрат Навоий улар орасида алоҳида ўрин тутди. Навоий ижоди — ўзбек шеърлатининг гулшани.

Алишер Навоий ўз даври лирикасини маънавий жиҳатдан олий камолотга етказди. Унга қизиқиш, интилиш ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Аксинча, буюк бобоклонимиз қолдириб кетган адабий меросни янада чуқур тадқиқ этиш имкониятига эгамиз. Лекин ул бебаҳо хазина ҳали ҳам Навоийни ўқиб ва англай оладиганлар орасида қолиб кетмоқда.

Шу босиб тез-тез тилга олиб туриладиган "Навоийни англаш" ибораси қулоққа жуда ғалати эшитилди. Бу ўринда "англаш" "эслаш" мазмунда қўлланилган бўлса, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ўзи Навоий руҳи учун етарли. Борди-ю, Навоийни том маънода англаш зарур, деб билсак, бу ишни, аввало, мактабданок Навоий ва умуман, мумтоз адабиётни англай олиш даражасида йўлга қўйишимиз керак. Акс ҳолда, чала билим билан қолиб кетаверамиз.

Ахир, шундоқ ҳам узоқ йиллар давомида Навоийдан

йироқда яшадик. Ҳозирги ёшларни қўятуринг, уларнинг оталари, ҳатто бобоклонлари ҳам мактабда улўф шоир ижодидан кўра, унинг "қисса-ча таржимаи ҳоли"ни кўпроқ ўқиб келган. Яқинда ажабтовур бир ҳолатнинг гувоҳига айландим.

Танишларимдан бири кўнғироқ қилиб, Наманган шаҳридаги мактабларнинг бирида ўқитган набирасининг зукколиги ва яхши шеърлар ёзаётгани ҳақида сўз очди. Шу шеърларини матбуотда чоп этилишига ёрдамлашиб юборишимни илтимос қилди. Очиги, тишим ўтмайидан бу ишга аралашмаслик учун чора топланмади. Ноилоҳ, бобо ва набирани вилоят газетаси таҳририятига, таниш дафтар варақлашга тушганини кўрган: "Наҳотки ўз шеърларининг ёддан билмайсан", — деб таажубланди.

Шоирчимиз "йўқ" маъносига бош чайқайди.

— Бошқалардан-чи?

— Билман...

— Қанча биласан? Тўғри-



роғи, неча минг мисра?

Назаримда, шоирчимизга "минг" сўзи жуда ғалати эшитилди, ажабсинган синиқ товўшда унча билмаслигини тан олди. Бироқ устоз ўз йўриғида собит турганча давом этди:

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Саккизда.

— Саккизинчи синфда ўқисанг, Навоийдан уч-тўрт мисра биларсан? Бобурдан-чи? Нодирдан биларсанми?

Бола яна бош эгди. Унинг бу ҳолатига бобоси изоҳ бергандек бўлди:

— Ёш-да ҳали, ўрганиб олади.

— Мени кечирингла, — деди устоз қадини ростлаб, — Навоий "Оразин ёпқан кўзумдин сочиур ҳар лаҳза ёш, буйлаким пайдо бўлур юлауз, ниҳон бўлғач кўёш" мисраларини битганида 12 ёшли бола эди. Бунинг "натijasи"ни эса, бутун дунё билади.

Рост. Навоий нанкин ўн икки ёшида устози Лутфийнинг туркияда ёзган бутун ижодига тенг келадиган шу икки мисра шеърни ёзди, балки бунга қадар ҳам шеърин оҳанг бағрида сузган. Навоийшуносларнинг таъкидлашича, у болалигидаёқ 50 минг мисрадан ортққ шеър биларди. Атиғи беш ёшида Фаридиддин Атторнинг "Мантқиқ-ут-тайр" ини ёд олганди.

Бугун орамизда шеър илхосмандлари кўп. Ҳатто, мактаб ёшидаёқ тўрт-бешта китоб муаллифига айланиб улғурган ижодкор топилди. Лекин уларнинг қайси бири Навоий ижодиётидан жиддийроқ хабардор?! Бутун борлиғи билан шеърлатимиз ватанига боғланиш, бошқача айтганда, шеърлатининг қўтулуғ оstonасидан ҳатлаш аввалда Навоийни шунчаки, "Илоҳим руҳингиз қўласин, бобо", деб эмас, балки уни чинакам англаш ва у қолдирган ижод уммонидан сузмок шарт. Ана шундагина орамиздан чинакам Навоийлар етишиб чиқади.

» O'RNAK OLI

НАВОИЙНИНГ 457 ҒАЗАЛИНИ ЁД ОЛГАН

Санжар ЭШМУРОДОВ

Мураккаб функцияли телерфон ёки замонавий компьютерлардан бемалол фойдаланаётган болақайларни кўриб, бугунги авлоднинг ақлу заковатида қойил қолмай уложини йўқ. Аммо тараққиёт илдамлаб борган сари ёшлар китоб, адабиёт, асрий қадриятларимиздан узоқлашаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Яқинда Амир Темур хиёбони орқали ишга шошиб келётсам, бир қизнинг: "Навоий ҳайқали ёнида турирман. Қачон келасиз? — деган гапи қулоғимга чалинди. Ажабо, наҳотки, буюк соҳибқирон Амир Темур билан беназир шоир Алишер Навоийни фарқлай олмаслик даражасига етган бўлсак?! Ахир, бу нарсалар мактаб, кўйинки, боғчадан

бошлаб ўргатилади-ку. Бугунги кунда ҳазрат Навоийнинг ижодий меросини мукаммал биладиган, бошқаларга ҳам тўқик тушунтириб бера оладиган олимлар камёб. Ёшларнинг муносабати эса, юқоридагидек. Лекин ҳамма бир хил эмас. Тенгдошларимиз орасида мумтоз адабиётга илхос қўйганлар ҳам бор. Шунлардан бири Сурхондарёнинг Саросиёсида яшайди-



ган Шахзода Раҳмоновадир.

Шахзода Навоийнинг "Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт" ғазалини тўрт ёшида ёд олган. Кейинчалик "Ҳазойин ул-маоний" девонини тўлиқ ўқиб чиқди. Ҳозир 5-синф ўқувчи-

си бобомизнинг нақ 457 ғазалини ёддан билади. Тағин Фузулий, Лутфий, Бобур ижодидан ҳам яхши хабардор. Мумтоз адабиётимиз дурдоналарининг маънавий теран уққанини айтмайсизми. Шахзода билан

суҳбатлашдик. Унинг фикрлаш тарзи, дунёқараши анча илғор.

Олига катта мақсадлар қўйиб яшамоқда. Тарихда ўлмас из қолдирган аждоғларимиз, аввало, кучли хотира эгаси бўлган. Алишер Навоий болаликданок "Мантқиқ-ут-тайр"дек мураккаб асарни ёд олгани сўзимизни исботлайди. Саросиёлик синглимиз ҳам келажакда ана шундай илму заковат соҳиб бўлишига ишонамиз.

Р.С.: Мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида юртимизда ҳазрат Навоийнинг нақ 700 дан зиёд ғазалини ёддан биладиган ўқувчи борлиғи ҳам маълум бўлди. Унинг исми Қодирбек Ортиқов. Болақай Саросиё туманидаги 1-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 3-синфда таҳсил олмақда. Баракалла, Қодирбек, шахду шижоатингизга тасанно!



Дастлаб ўзбек мумтоз шеърлатининг икки буюк дарғаси ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир илмий-амалий конференция ташкил этилди. Анжумани институт ректори,

филология фанлари доктори, профессор Қуванишбай Ғуразимбетов очиб берди. Кейинги сўз навбати асосий маърузачилар — олим у тадқиқотчиларга берилди.

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ
СЎНМАС ЮЛДУЗЛАРИ

Шоҳрух ИБДУЛЛАЕВ

Ажинуёз номигаги Нукус давлат педагогика институтига шу мавзуга маганий-маърифий тағбир бўлиб ўтди. У Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланди.

Алишер Навоийнинг ҳомилик ва бунёдкорлик ишлари, тасаввуфий қарашлари, ички олами, шунингдек, Мирзо Бобур шахсига оид қизиқарли маълумотлар йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Маънавий-маърифий тадбирни концерт дастури давом эттирди. Меҳмонлар "Буюкларнинг туғилиши", "Ҳамса" қаҳрамонлари ва "Навоий ва Гули" каби

композициялардан баҳраманд бўлди. Шунингдек, ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ тилларида ғазалу рубоийлар ўқилди. Кеча ғузал куй-қўшиқларга улашиб кетди.

Яқинда фаол иштирокчилар институт раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

» YOSHLIK ILHOMI

Фамхўрлик

Жамшир БЕРДИЕВ,
Республика ёш ижодкорлар сангами аъзоси

— Ассалому алайкум, амаки, ҳорманг.
— Ваалайкум ассалом, — деди бошини столдан кўтариб ресторан эгаси. — Нима хизмат?
— Бир юмушим бор эди.
— Болакай ичкарига кирди.
Пойабзалига ёпишган лой гичирлаб, ресторани хўжайинининг гагини келтирди. У қўрс оҳангга сўради:
— Хўш, қандай юмуш экан?
— Бироз майиз, ёнғоқ ва тоза асалим бор, шуларни гўшт майдалагичдан ўтказиб берсангиз Йигитча қўлидаги халтани багрига бошганча ўриндиқча чўкди.
Бошлиқ боланинг гапларини ҳафсаласиз эшитди.

— Одил, қара, миҳоз келди, — дедию яна ҳисоб-китобини давом эттирди.
— Ошпаз яримдевор ортида туриб болага мурожаат қилди:
— Шўрвами, нима?..
— Йўқ, ҳалиги, менинг озгина..
— Қиймалагични ишлатмадингларми ҳали, — гапга қўшилди ресторани эгаси.
— Ишлатдик, — жавоб қайтарди ошпаз.
— Оббо чаққонлар-ей. Ҳа, майли. Боланинг қўлидагини олиб, гўшт қиймалагичда майдалаб бер. Ҳей бола, тур, қўлингидини узат! Бироз кўтиб турсан. Хизмат ҳақи 5 минг сўм бўлади.
— Қанча?! Лекин пулим оз-да.



— Бўлмаса озгинда чайнаб ейвер. Меҳнат пул туради, ахир. Ишчиларга маош тўлаймиз, тушундингми?
— Майли, амаки, айтган пулингизни бераман. Фақат уч марта ўтказиб беринглр, илтимос.
Успириннинг мулойим оҳанги хўжайиннинг кўнглини юмшатиб юборди.
— Уғайм, ўзи нима гап?
— Талабаман. Бу ердан чиқиб кишлоққа жўнайман. Кеча акам телефон қилиб, онам қаттиқ шамоллаб қолганини, юзлари салқиб, қонлари саккизга тушиб

кетганини айтди. Онамни кўрмаганимга ҳам беш ҳафта бўлибди.
— Ҳали бу нарсалар онамга де.
Оббо, меҳрибон-ей. Нима, кишлоқда гўшт қиймалагични алиментга берганмисизлар?
— Йўғе, амаки, бизда ҳам бор. Ошхонамиздаги токчада чанг босиб ётибди. Гўшт сероб пайти онам чучвара ёки мангига уриниб ишлатганида тишлари базур қиймалар, устига-устак, мойга ўхшаш қора куюқ бир нарса чиқиб ҳафсалани пир қиларди. Шундан бери “темир дастёр”дан фойдаланмай кўйганмиз.
Отам эрта оламдан ўтди. Бизни катта қилгунча онам жуда қийналди. Акамни уйлантирди. Энди эса, икковлашиб мени ўқитяпти. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир кунни отам мени ёнига чорлаб шундай деди: “Уғайм, билиб қўй, онанг акагани дунёга келтирганида кўп ҳам кучдан кетмаганиди. Ҳар ҳолда ёш эди. Лекин шунда ҳам жонини жабборга қўйган. Сен тузилгач эса, тамоман ҳолдан кетди. Сенга насиҳатим, ҳар маҳал аянгга майиз, ёнғоқ ва тоза тоғ асали қўшилган қиймани бериб тур”, — дедан эди.
Кўни кеча стипендия беришган-

ди, бозордан шуларни олдим. Ҳар ҳолда киш чилласи. Ҳозир кишлоқда бу неъматларни топиш қийин...
Стол устига қўйилган банканинг “тақ” этган товуши суҳбатни бўлди. Боланинг юзида табассум кўринди. Идишни халтасига солганча, пул санай бошлади.
— Пулинг керак эмас, йўлкирангга асқатар. Ажойиб бола экансан. Онангни асрагин, илоҳим бахтингларга доимо омон бўлсин.
— Раҳмат, амаки! Аямга айтаман, сизни дуо қилади. Майли, хайр, яна келаман ҳали.
Успириннинг ортидан қараб қолган ресторани хўжайини анчагина уйга толиб қолди. Боланинг соддагина саховати бутун оналар ҳаётига-ҳаёт қўшиши мумкинлигини ҳис этди.
— Мен аҳмоқ умр буйи онамга юзлари салқинганида: “Қарилк-да, кўнинг энди...”, дебман-а. Сарпсурудан бошқасини ҳая этмабман.
— Муҳаммад, Муҳаммаджон ўғайм.
— Лаббай, дада.
— Тезда бозорга чопқилла.
Майиз, ёнғоқ, тоза асал олиб кел. Кишлоққа, бувингни кўргани борамиз..



“Шоҳ Ва Шоир мероси” Викторинаси

Мирзо Бобурнинг қайси ўғли отаси каби лирик оҳангларга катта эътибор бериб, ишқий-тасаввуфий мазмунаги асарлар битган?
Жавоблар 12 февралгача қабул қилинади.
yoshlarovozi@umail.uz
yoshlar_ovoziuz

» SIZ NIMA DEYSIZ?

Бола бало бўлмасин!

Нозима МИЯССАРОҒА

Тунов кўни ишдан қайтаётганимда автобусдаги ота-ўғил эътиборимни тортиди. Бола таҳминан етти ёшда. Отаси билан ёнма-ён ўтириб кетарди. Қўлига планшет. Отаси эса, айфонга муқ тушган.

Чамаси бир соат йўл юрган бўлсак, кета-кетгунча иккиси ҳам бошини уйиндан кўтармади. Атрофга тара-даётган ўқ овозлари йўловчилар таъбини хира қилган бўлса-да, ҳеч ким “чурқ” этмади.
Аслида бу каби ҳолатлар янгилик эмас. Фарзанди хараша қилмаслиги учун овозини телефон билан “ўчириб” қўядиган ота-

ўйин таъсирига берилиб, “қахрамонлар” ҳаракатини тақрорлаётган экан...Онаси ҳарчанд тушунтирмасин, бола ўзини идора этолмасди. Ҳатто, пичоқ олиб, волаасига ўқталди. Даҳшат!
“Интернет орқали боғланишларнинг ижтимоий муносабатларга таъсири” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида 471



оналар бор. Ўзлари ҳам бу борада яхшигина ўрнак кўрсатади. Тагин: “Қойил, ўғайм эндигина бир ёшга кирди. Аммо смартфоннинг у ёғидан кириб, бўёгидан чиқади-я”, — дея мағрурлини ҳам қўяди: Афсус, наҳотки улар ўша матоҳ ичидagi алмойил-алжойи ўйину видеолар болакайнинг руҳиятини жароҳатлаши мумкинлигини тушунмаса?!
Ижтимоий тармоқда бир манзарани кўрдим. Бола компьютер ўйинига шу қадар берилиб кетганки, ўз-ўзиндан йиғлаб, ўзича кулади. Аввалига ҳайрон қолдим. Кейин фаҳмадимки, у

нафар кўнгилли ўртасида сўровнома ўтказилганди. Маълум бўлишича, глобал тармоққа мутиелик ижтимоий ва руҳий ёлғизлик муаммосини келтириб чиқарар экан.
Кўпгина ота-оналар фарзанди нимани истаса, шуни муҳайё этишга интилади. Айниқса, оналарнинг кўнгили буш. Зурриёдини хафа қилгиси келмайди. Фақат бундай ёнашув доимо ҳам тўғри эмаслигини ёлда тутмоқ керак. Акс ҳолда, бола улгайган сари ўзбошимчаликка ўрганиб, катталарни ҳўрмат қилмай қўйиши мумкин. Сиз нима дейсиз?

» ASLIYATDAN TARJIMA

ҚОР АЁЛ

(асрсона)



Япон ёллаган Ҳабиди ОЛИМЖОНОҒА таржимаси.

Бир кишлоқда икки эркак яшарди. Бирининг исми Мосаку, иккинчисиники — Минокичи эди. Улар тоғ тепасидаги ўрмонда дарахт кесиб, кишлоққа келтириб сотиш билан кўн кечирарди. Мосаку олтиш ёшда, ёлғизликда ҳаёт кечирар, Минокичи эса, ҳали ўн тўққизга ҳам тўлмаган йиғит бўлиб, онаси билан бирга яшарди.

Кишлоқдан тоққа кетадиган йўлни дарё кесиб ўтган. У ерда қайиқчи йўловчиларга хизмат кўрсатарди. Мосаку ва Минокичи ҳар кўни қирғоққа келиб, қайиқча ўтириб, дарёни кечиб ўтар, кечга томон яна шу қайиқча уйга қайтарди.
Аёли кўнларнинг бирини Мосаку ва Минокичи одатгадек ўрмонга йўл олди. Иккиси қош қорайгунча дарахт кесди. Киш эмасми, кўн қисқалиги боис, ишни барвақт якунлашга тўғри келди. Ҳаво ҳам жуда совиб кетганди.
Мосаку зим-зим осмонга тикилиб: “Бугун анча совуғ-а! — деди Минокичига қараб.
— Ҳа, чиндан ҳам жуда совуқ. Қор ёғса керак. Эртарқо қайтмасак бўлмайди, — жавоб берди Минокичи.
Икковлон бирпасда қирғоққа етиб келди. Шу пайт қор учқунлай бошлади. Сал туриб тезлашди. Бир зумда атроф оппоқ қорга беланди. Минокичи ва Мосаку уйга эсон-омон етиб олишни ўйлаётганиди.

Бахтага қарши, улар қирғоққа келганида қайиқ кетиб қолган экан. Қор тўхтамай ёққани тўфайли қайиқчи одамларни кутмай, ортига жўнаб кетибди.
Оғир аҳволда қолган ҳамроҳлар дарё яқинидаги қулбага кириб, тонг отгунча жон сақламоқчи бўлибди. Тор уйчанинг ичида икковлон амаллаб жойлашибди. Мосаку уйкуга кетди. Минокичи эса, совуқтонидан ҳеч ухлай олмабди. Лекин қаттиқ чарчаган эмасми, бироздан сўнг кўзи иланибди. Бир пайт юзига қор тегаётганини сезиб, уйғонди. Қараса, хонанинг эшиги очик, ташқаридан шамол билан бирга қор совуғи қираётган экан.
— Қизиқ, эшикни ким очди экан-а, — деб ўйлади Минокичи чаққанча ётганча.
Хонада бировнинг шарпаси кўринди. Оппоқ кимоно кийиб олган шарпа Мосакунинг тепасига келди. Мосаку у одамнинг етиб олишни ўйлаётганиди.

сочлари қора, узун, аёл эди. У кўзларига ишонмади. Уридан турмоқчи бўлибди-ю, аммо қимирлай олмабди. Шу пайт аёл Мосакунинг юзига муздек нафасини юборди. Мосакунинг танаси музлаб, руҳи осмонга учиб кетди. Бирдан Минокичи безовталана бошлади. Кўзларини очса, рўпарасида аёл турибди. Аёл кўм-кўк, қўрқинчли кўзлари билан унга тикилиб турар эди. Кейин тилга кириб: “Ҳали ёш экансан, сenga тегмайман. Лекин бу ерда бўлган воқеани ҳеч кимга айта кўрма! Йўқса, сени ҳам шу ҳолатга келтириб қўяман”, — деб осмонга учиб кетди.
Минокичи ўридан турди. Мосакунинг тепасига келиб, уни уйғотишга уринди. Афсуски, тана музлаб, жон вужудни тарк этиб бўлганди. Минокичи қўрқув ичида тонг отишини кутди. Ниҳоят, кўн ёришди. Қайиқчи ҳам қирғоққа етиб келган экан.
Минокичи Мосакуни уйига олиб келиб, кўмди,

кейин ўз уйига равона бўлди.
Орадан йиллар ўтибди. Кўнларнинг бирини Минокичи кўчада Оюки исми кишини учратиш қолди. 17 яшар бу қиз бобосининг уйига кетаётган эди. Минокичи уни меҳмонга таклиф қилди. Оюки жудаям чаққон экан, Минокичининг ойисига барча ишларда қарашлибди. Бирмунча вақтдан кейин Минокичи Оюкига уйланди. Улар ўн фарзанд — беш ўғил ва беш қизни дунёга келтирди. Бирок Оюки анча ёш кўриниб, сира қаримас экан. Кишлоқда нуқул шу ҳақда гапиришар, унга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қиладиганлар кўп эди.
Қишининг совуқ кўнида эр-хотин тунда суҳбатлашиб ўтирарди. Бирдан Минокичи Оюкига тикилиб қолди. Хотини ўша муҳдиш кечада қулбага келган аёлга жуда ўхшаш эканини пайқайди. Кейин унга юзланиб:
— Оюки, сenga бир сирни очаман, бундан ўн йил муқаддам муҳдиш воқеа содир бўлган, — деди.
— Қандай воқеа, қаерда? — қизиқиб сўради Оюки.
— Мосаку исми ҳамроҳим билан тоққа дарахт кесгани чиқиб, оқшом соҳилга қайганимизда қайиқ кетиб қолган эди. Иккимиз совуқда қолиб кетганимиз соҳилдаги кичкина уйчада тиниб қолдик. Энди кўзимиз илинганда, осмондан қор аёл тушиб, Мосакунинг жонини олган. Аммо менга тегмади.
Оюки эрини жимгина эшитиб турарди. Кейин шартта ўридан туриб, важдат билан унинг ёнига келиб:
— Ўша аёл мен эдим, ҳа, мен! — деб бақирди.
Минокичи ҳайратдан қотиб қолди.
— Мен сenga бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма демангилми?! — янада баланд овозда додлади Оюки.
Аёл фарзандлари борлиги учун эрига тегмабди. Аксинча, ўзи қора тутунга айланиб, очик дарчадан чиқиб, осмонга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлибди. Минокичи ўзига келиб, Оюкини қайтишга чорласа ҳам фойдаси бўлмабди.

» O'QING, BU QIZIQ!

4 минг йиллик ҳужжат

Васиятномаларнинг илк намуналари бундан тўрт минг йил муқаддам Бобил ҳукмдори Ҳаммурапи томонидан тузилган.



Бобил қонунлари мажмуида қайд этилишича, ота бор мол-мулкени, уй-жойини фарзандлар ўртасида тенг тақсимлаши керак эди. Ойла бошлага у ёки бу ўғилга тегишли меросни кўпайтириш ёки аксинча, фарзанди ножўя иш қилса, уни меросдан маҳрум қилиш ҳуқуқи ҳам берилган. Бирок ўша вақтда мазкур қонда ҳужжатлаштирилмаган ҳамда расман васиятнома, деб юриштирмаган.
“Васиятнома” атамаси биринчи мартаба Қадимги Афинада милоддан аввалги VI асрда муомалага киритилди. Шунда ҳам фақат ўғил бўлмаган эркаклар васиятнома ёзиш ҳуқуқига эга эди. Улар ўз бойлигини кўнглига яқин исталган одамга васият қилиши мумкин эди.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Азизбек Алимбеков

Қуриш

Дарахт танасининг суви қочса, инсон эса, эзгу туйғуларини йўқотса, қурияди.

Виждонли

— Виждонли ким?
— Виждонига тик боқа олган.

Умуғ

Унинг биргина умиди бор эди. У ҳам ёлғизликдан сўлди (сўнди).

МУАССИС ЎЗБЕКISTON ЕШЛАР ИТТИҒОКИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. БОШ МУҲАРРИР Каримов Фахриддин Турдалиевич	ТАҲРИР ХАЙЪАТИ Қамолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Димқурод Набиев, Азим Мирзазонов, Нодин Абдуқодиров, Нарғиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кошгергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинин — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).	Дизайнерлар Рўзиев Зафар Хусанович Абдуллаев Хуршид Уктамонович Навбатчи Санжар Эшмуродов	«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятта келган кўлимавлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.	Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (факс). E-mail: yoshlarovozi@umail.uz «Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Қорхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41. Индекслар: 203, 3203 Баҳоси қилишилган нарҳда. Буортма Г-236 Адади — 28498 Босишга тегишли вақт — 21.00 Тоширалади — 22.55 Уйга юлган — 22.55 Офсет усулида босилган.
--	--	---	---	--